

“ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ” курси



6-МАВЗУ. АДАБИЁТЛАРНИ ШАРҲЛАШ ВА ҚИДИРИШ



*Алиқориев Олимхон – и.ф.н., доц., Олий бизнес мактаб
Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи*

АДАБИЁТЛАРНИ ШАРҲЛАШ ВА ҚИДИРИШ

Аввал сиз тадқиқот мавзусини шакллантириб олган бўлган бўлишингиз керак.

Адабиётларни қидириш ва шарҳлаш тадқиқот учун ажратилган вақтингизнинг катта қисмини олади ва ушбу ишни имкон қадар вақтли бошлаш зарур.

Интернет орқали қидирган маълумотларингиз ишончли бўлишига иқрор бўлинг ва имкон қадар академик журнал мақолалари ва илмий асосга эга бўлган ресурслардан фойдаланинг.



Тартибланган ҳолда барча фойдаланилган манбаларни қайд этиб бориш зарур ҳамда иқтибос қилиш қоидаларига риоя этган ҳолда библиографик қайдларни диссертацияда кўрсатиш керак.

Бу ушбу ўрганилаётган соҳадаги билимларни баҳолаш учун керакдир.

АДАБИЁТЛАРНИ ҚИДИРИШ

Адабиётлар шарҳига тегишли маълумотлар **электрон вариантда ёки анъанавий кўринишда, миқдорий ёки сифат кўрсаткичида бўлиши мумкин.**

Адабиётларни қидиришда асосий мақсад тегишли маълумотларни **максимал даражада кўп тўплаб, уларни ўқишдан иборат.**

Жараён давомида сиз **мавзу ҳақида, аввалги тадқиқотларда ишлатилган методологиялар** ҳақида батафсил танишиш имкониятига эга бўласиз ва бу сизга адабиётлар шарҳини ёзишда ёрдам беради.

Феномен ҳақида шу пайтгача нима маълум эканлиги тўғрисида ҳамда мавжуд **билимдаги бўшлиқларни** аниқлашга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ УЧУН ИККИЛАМЧИ МАЪЛУМОТЛАР МАНБАЛАРИ

Мавзу ва методологияга
оид китоблар

Профессионал журналлар
ва газеталар

Архивлар

Китоб, мақола, конференция
материалларида
чоп этилган тадқиқот натижалари

Давлат ва тижорат ташкилотлари
статистик маълумотлари

Интернет ва онлайн
маълумотлар базалари

Ташкилот
ҳисоботлари

ТИЗИМЛИ АДАБИЁТЛАР ҚИДИРУВИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

1

- Манбалар рўйхатини тайёрланг

2

- Тадқиқот қамровини аниқлаб олинг

3

- Калит сўзларни аниқлаб олинг

4

- Ҳар бир манба бўйича қидирувни амалга оширинг

5

- Фақат тегишли маълумотни йиғинг, уларда қўлланилган усулларни изоҳланг, натижаларни муҳокама қилинг ва хулосалар ясанг

6

- Энг янги тадқиқотлардан бошланг ва уларда келтирилган адабиётлар рўйхатидан бошқа эскироқ тадқиқотларга ўтинг

7

- Бошқа ишларда иқтибос қилинган ишлар таниш кўринса демак сиз дастлабки қидирувни яқунлашга яқин турибсиз

8

- Бутун лойиҳа давомида адабиётлар қидирувини амалга ошириб туринг

1

•ВАҚТ БЎЙИЧА

2

•ГЕОРГРАФИЯ БЎЙИЧА

3

•БИР ТАРМОҚЛИ ёки КЎП ТАРМОҚЛИЛИГИГА КЎРА

4

• БИР ТАРМОҚЛИ лекин КЎП КОНЦЕПТЛИ ЁНДАШУВ

Ишончли ва илмий асосланган манбалардан маълумот олишни тавсия этамиз.

Интернет очик маълумотлари ёки Wikipedia каби манбалар университетингиз томонидан ишончли деб қабул қилинмаслиги мумкин.

Google Scholar қидирув усули ёки миллий ва халқаро профессионал ташкилотлар сайтлари, давлат ташкилотларидан олинган маълумотлар ишончли манбалар бўлиши мумкин.

ОНЛАЙН ҚИДИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

1

- тезлик

2

- янгилиги

3

- турли соҳаларга тегишли маълумотларни бирданига топиш имконияти

4

- мослашувчанлиги

5

6

- компьютер орқали исталган жойдан кириш имконияти

Иқтибос қилмоқ бу оригинал матнни, ғояни тўғридан тўғри ёки бошқа сўзлар билан айтиш ёки умумлаштириш демакдир.

Бу дегани тадқиқотингизда ишлатилган барча назария, модел, фактлар, иллюстрациялар, диаграммалар, жадваллар, статистика ва бошқа тегишли маълумотлар кимга тегишли эканлиги кўрсатилиши керак.

адабиётларни
ўрганганингизни
кўрсатади

бошқа тадқиқотлар обрўси
орқали ўз
тадқиқотингиздаги
фикрларга қўллаб
қувватлашни ва асосни
кучайтиришингиз мумкин

плагиаризмадан қочиш
имконини беради, яъни
сизнинг ўз ҳиссангиз ва
бошқалар ҳиссасини
фарқлашга ёрдам беради

ҲАВОЛА

Ҳавола (бизда кўпинча Фойдаланилган адабиётлар рўйхати сифатида келади) матнда иқтибос қилинган манбаларнинг библиографик деталларини ўз ичига олган рўйхатдир.



ҲАВОЛА АҲАМИЯТИ


иқтибосларнинг тўлиқ
деталлашган
маълумотларини беради

иқтибос қилинган
маълумотларни илмий раҳбар,
имтиҳон олувчи ва бошқа
тадқиқотчиларга топиб олиш
имконини беради

БИБЛИОГРАФИЯ


Библиография (bibliography) ва ҳаволалар рўйхати (list of references) ўртасида фарқ бор.

Библиография (bibliography) бу айнан сиз ишлатган ишлар рўйхати эмас балки чоп этилган нашрлар каталоги бўлиши ҳам мумкин.



Муаллиф-сана тизимлари

- Гарвард тизими (the Harvard system)
- Америка Психология Ассоциацияси (the American Psychological Association, APA) тизими



**AMERICAN
PSYCHOLOGICAL
ASSOCIATION**

Рақамларга асосланган тизим

- Ванкувер тизими (the Vancouver system)



**VANCOUVER
PUBLIC
LIBRARY**

Гарвард тизими ижтимоий фанлар, бизнес, менеджментга оид тадқиқотлар, антропология ва айрим аниқ фанларда ишлатилади.

АРА тизими кўпроқ Шимолий Америкада ишлатилади.

Иккаласи жуда ўхшаш бўлиб муаллиф фамилияси ва нашр чоп этилган санаси ва бети (агар цитата қўлланса) кўрсатилади.

*

•Бир нечта манба бўлса энг эскиси биринчи қўйилади

*

•Иккита муаллиф бўлса иккаласи ҳам кўрсатилади

*

*

•Биринчи муаллифдан кейин “бошқалар” (ёки et al.) сўзини ишлатасиз

*

• Бир хил фамилияли муаллифлар учраса уларнинг инициалларини ишлатиш керак

ГАРВАРД ТИЗИМИ: МУАЛЛИФ СЎЗЛАРИ ҚАЙТА ИШЛАНГАН

Маълумотларнинг мавжудлиги ва уларга эгаллик қила олиш тадқиқот лойиҳасининг муваффақиятли бўлиши учун энг зарур элементлардандир (Collis ва Hussey, 2003).

ёки

Collis ва Hussey (2003) таъкидлашларича маълумотларнинг мавжудлиги ва уларга эгаллик қила олиш тадқиқот лойиҳасининг муваффақиятли бўлиши учун энг зарур элементлардан ҳисобланар экан.

ёки

“Маълумотларнинг мавжудлиги ва уларга эгаллик қила олиш тадқиқот лойиҳасининг муваффақиятли бўлиши учун энг зарур элементлардандир” (Collis ва Hussey, 2003, 116 бет).

Учтадан ортиқ бўлган муаллифларни биринчи марта иқтибос қилиш

Collis, Dugdale ва Jarvis (2001) томонидан амалга оширилган эксплоратив тадқиқот шуни анқиладики...шу асосида ...

кейинчалик

Collis ва бшқ. (2001), Collis ва Jarvis (2002) ва Collis, Jarvis ва Skerratt (2004) тадқиқотлари бирламчи маълумотларни асосида...

Бир нечта манба бўлганда

Бир қатор тадқиқотлар (Carsberg, Page, Sindail ва Waring, 1985; Barker ва Noonan, 1996, Pratten, 1998) натижаларига кўра...

Бир йилнинг ўзида бир муаллифда бир нечта чоп этилган манба бўлганда

Business Monitor томонидан ўтказилган сўровлар (2005a, 2005b, 2005c ва 2005d) кўрсатишича...

Иккиламчи иқтибос

Bloomfield даги кейс стадиға кўра (Melrose, 2009 да иқтибос қилинган) ушбу муаммони ҳал этиш учун...

Бир хил исмдаги муаллифларни фарқлаш

R. Hussey (2006) ва A. Hussey (2006) таъсирларни тестдан ўтказиб...

Бу тизимда адабиётлар рўйхати автор исми бўйича алфавит кетма-кетлигида қўйилади.

Бу рўйхат хужжат охирида келтирилади.

Адабиётлар рўйхати сўз лимитида ҳисобга олинмайди.

ГАРВАРД ТИЗИМИ

Онлайн журнал мақолалари

Collis, J. va Jarvis, R. (2002) “Кичик корхоналар менежменти ва молиявий маълумотлари” *Кичик бизнес ва тадбиркорлик журнали*, 9 (2), 100-10 бет

<http://www.emeraldinsight.com/10.1108/14626000210427357> [Кирилган сана 2008 йил 25 Август]

Чоп этилган журналлардаги мақолалар

Collis, J, Jarvis, R. va Skerratt, I. (2004) “ББ да кичик бизнеснинг аудитга бўлган талаби” *Бухгалтерия ва бизнес тадқиқотлари*, 34 (2), 87-100 бет

Онлайн ҳисобот

Collis, J. (2003) *Аудит натидаларига директорларнинг қарашлари*, URN 03/1342, Октябр, Лондон: DTI. [http://www.berr.gov.uk/files/file25971 .pdf](http://www.berr.gov.uk/files/file25971.pdf) [Кирилган сана 2008 йил 30 Июнь]

Китоб

Collis, J. va Hussey, R. (2003) *Бизнес тадқиқотлар*, 2-чи нашр, Басингстоук: Плагрейв Макмиллан

Китобдаги боб

Collis, J., Dugdale, D. va Jarvis, R. (2001) “ББ даги кичик корхоналарнинг ҳисоботларини тартибга солиш”, McLeay, S. va Riccaboni, A. (eds)да “*Бухгалтерия ҳисоботларини тартибга солиш масалалари*”, Бостон: Клувер, 167-85 бетлар

ВАНКУВЕР ТИЗИМИ

Ванкувер тизимида ҳавола рақамлар орқали сноска кўринишида ёки ўша бетнинг ўзига ёки хужжат охирига қўйилади.

The Vancouver system contd..



Website

Format:

Author/Editor/Organisation's name . Title of the page [homepage on the Internet]. Place of publication: Publisher's name; [updated yr month day; cited yr month day]. Available from:

Example:

HeartCentreOnline [homepage on the Internet]. Boca Raton, FL: HeartCentreOnline, Inc.; c2000-2004 [updated 2004 May 23; cited 2004 Oct 15]. Available from: <http://www.heartcenteronline.com/>

ИҚТИБОС УЧУН ЗАРУР МАНБАЛАР

Китоблар	Журнал мақолалари
Муаллиф исми ёки нашриёт номи	Муаллиф исми
Чоп этилиш йили	Чоп этилиш йили
Китоб номи	Мақола номи
Нечинчи марта нашр қилиниш сони	Журнал номи
Чоп этилиш жойи	Журнал сони ва нашр сони (Volume and issue)
Нашриёт номи	Бетлари

Бу адабиётлар таҳлилдир.

Энг охирги таъсири катта бўлган тадқиқотлар ва асосий назарияларга қаратилган бўлади.

Адабиётлар шарҳи сизнинг интеллектуал кўникмаларингизни ҳам кўрсатади.

Диссертацияда у бир бобни ўз ичига олиши мумкин.

Магистратура ва докторантурада билимнинг оригинал манбаларига муурожаат этиш зарур. (дарслик ва ўқув қўлланмалар оригинал манба бўла олмайди)

Позитивист бўлсангиз сиз мавжуд назариялар ва моделларни қидирасиз, чунки фаразани шакллантиришингиз учун асос керак бўлади.

Сизнинг ғояларингиз мавжуд ғоялардан фарқини кўрасиз ва янгиларини шакллантиришингиз осон бўлади.

Адабиётлар шарҳи бутун тадқиқот давомида узлуксиз давом этади.

Тадқиқотингиз мақсади нима ва у бошқа тадқиқотлардан нимаси билан фарқ қилади?

Тадқиқот қандай амалга оширилмоқда ва бу бошқа тадқиқотлардан нимаси билан фарқ қилади?

Тадқиқот натижалари қандай ва у бошқа тадқиқотлардан қандай фарқ қилади?

Бошқа тадқиқотлар ва ўз тадқиқотим чекловлари (limitations) ва заиф томонлари (weaknesses) нималардан иборат?

АВВАЛГИ ТАДҚИҚОТЛАРНИ КАТЕГОРИЯЛАШ

Муаллиф ва сана	Предмет категориялари	Методология категориялари	Танланма ҳажми (sample size)	Жавоб бериш даражаси (response rate)	Тадқиқот санаси	Жойлашув, мамлакат

ТАДҚИҚОТ МУАММОСИНИ ТОПИШДА АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

назарияни бошқа
тўпламларда
тестдан ўтказиш

мавжуд
маълумотлар
асосида янги
таҳлилни
ўтказиш

аввал ўтказилган
тадқиқотни
ҳозирги кунга
мослаб қайта
ўтказиш

Адабиётлар шарҳи бу аввалги тадқиқотларни тасвирлаш эмас балки **критик таҳлил** этишдир.

Афсуски кўплаб талабалар буни тушунишмайди.

Шоппинг рўйхати ёндашуви

Davis (2005) ning aniqlashiicha samarali Internet banking samarali Mobil bankingga kўra banklar mijozlari sonini kўproq oshiradi.

Smith (2006) fikricha Davis ning tadqiqotida Mobil bankingga tarif etarlicha berilmagan.

Jones (2007) ўz tadqiqotida 5 ta asosiy Internet bankingning elementlarini ўrgandi va Internet banking banklar mijozlarini oshirishda eng muhim omillardan ekanligini isbotladi.

Синтез қилишга ҳаракат

Банк mijozlari sonini oshishiga tarif etuvchi omil sifatida bank xizmatlarini omil sifatida tanlashga doir qarashlar baхslidir. Shunga qaramasdan, samarali Internet banking boшqa omillardan kўra, shu bilan bir qatorда Mobil bankingdan kўra bank mijozlarini kўproq oshirishiga tarif etadi degan tadqiqotlar mavjud (Davis, 2005), Mobil bankingga berilgan tarif etarlicha bўlmagandligi asosida bunday xulosaning ishonchligi sўroq ostiga olingan (Smith, 2006). Jones (2007) ning oxirgi tadqiqot natijalarini kўrsatishiicha Internet bankning haqiqatда boшqa xizmat turlariga kўra bank mijozlari sonini oshishiga sabab bўla oladi.

Плагиаризм бу бошқаларнинг сўзларини, ғояларини, маълумотларини иқтибос келтирмаслик туфайли **ўзиники** қилиб қўрсатишдир.

Бу интеллектуал мулкни **ўғирлаш** билан тенглаштирилгандир.

Сиз ва бошқалар томонидан қилинган ҳисса аниқ фарқланиб туриши керак.

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Collis J., Hussey R. (2003) Business Research 2nd edition, Palgrave Macmillan.
2. Saunders M., Lewis P., Thornhill A. (2009) Research Methods for Business Students. Fifth edition.
3. Robson C. (2011) Real World Research. Third edition.
4. Walliman N. (2011) Research methods: the basics. Taylor and Francis group. London and New York.
5. Добренъков В., Осипова Н. Методология и методы научной работы. М.: КДУ, 2012.
6. Кузьменко, Г. Н. Философия и методология науки: учебник для магистратуры / Г. Н. Кузьменко, Г. П. Отюцкий. — М. : Издательство Юрайт, 2014. — 450 с.
7. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология научного исследования. М.: Либроком, 2015.
8. Шкляр М. Ф. Основы научных исследований. Учебное пособие для бакалавров / М. Ф. Шкляр. — 4е изд. — М.: Издатель скоторговая корпорация «Дашков и К°», 2012. — 244 с.

Қўшимча адабиётлар

1. Баскаков А.Я., Туленков Н.В. Методология научного исследования: Учебное пособие. – К.: МАУП, 2004.
2. Орехов А.М. Методы экономических исследований: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009.
3. Сабитов Р.А. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Челяб. гос. ун-т. Челябинск, 2002.
4. Магистерская диссертация: методы и организация исследований, оформление и защита: учебное пособие / коллектив авторов ; под ред. В.И. Беляева. — 2-е изд., перераб. — М. : КНОРУС, 2016.
5. Очилов Б.Э. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Т.: ТашГИВ, 2009.
6. Сабитова Р.Г. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Дальневосточный гос. ун-т. Тихоокеанский институт дистанционного образования и технологий, Владивосток, 2005.
7. Болдин, А.П. Основы научных исследований: учебник для студ. Учреждений высш. проф. образования / А.П. Болдин, В.А. Максимов. М.: Издательский центр «Академия», 2012. – 336 с.
8. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология: словарь системы основных понятий. М.: Либроком, 2015.

Интернет сайтлари

1. www.natlib.uz
2. www.springer.com
3. www.e-library.ru



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!!!**